

165(043.3)

А50

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.М.МУМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 165.1

АЛИМАТОВА НАРГИС АБДУХАЛИЛОВНА

ТАЛҚИН ИЛМИЙ БИЛИШ УСЛУБИ
СИФАТИДА

09.00.01 - ДИАЛЕКТИКА ВА БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертациянинг

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2000

165(043.3)
A50

2

Тадқиқот Тошкент Давлат юридик институти
Фалсафий фанлар кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар — фалсафа фанлари доктори,
профессор А. Қ. Қодиров

Расмий оппонентлар — фалсафа фанлари доктори,
профессор С. С. Комилова;
фалсафа фанлари номзоди,
доцент С. О. Облокулов.


Етакчи илмий муассаса — Тошкент Давлат
Иқтисодиёт Университети

Ҳимоя 2000 йил 17 март соат 14⁰⁰ да
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. М.
Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг
Д.015.03.02 рақамли докторлик илмий даражасини олиш
учун диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослашган
кенгаши йиғилишида ўтказилади (700170, И. Мўминов
кўчаси, 9 уй).

Диссертация билан ЎзФанинг Асосий кутубхонасида
танишиш мумкин (700170, И. Мўминов кўчаси, 13 уй).

Автореферат 2000 йил "___" _____ да
тарқатилади.

Ихтисослашган илмий кенгаш
котиби, фалсафа фанлари
доктори, профессор



Х. А. Алиқулов

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Биринчидан, тарихий туб бурилишлар ва ижтимоий ислохотлар нафақат кишиларнинг саъй-ҳаракатларини, балки, энг аввало, бу саъй-ҳаракатларнинг ибтидоси бўлган тафаккур, ақл, идрок, билимнинг давр эҳтиёжларига мослашувини ва давр эҳтиёжларини қондирувчи кучга айланишини тақозо этади. "Мустақиллик, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, - мамлакатимиз аҳолисининг билим даражасини кенгайтиради. Тарих ва ҳозирги замон воқеликларига мурожаат қилиш бизнинг ижтимоий тафаккуримиздан ҳаётни идрок этишнинг мавҳум ақидапарастлик қолипларини енгиб ўтишни, мустақил фикр юритиш ва рўй бераётган ҳодисаларни баҳолай олиш қобилиятини талаб қилади".¹

Иккинчидан, тафаккур, дунёқараш, онг ўз хусусиятларига кўра консерватив ҳодисалар бўлгани учун аста-секинлик билан ўзгаришга мойил. Ҳатто ақл, идрок ва билимга қизиқиш кучли бўлган жойда ҳам тафаккур, дунёқараш, онг эскича қолиши мумкин. Бироқ ақл, идрок, билим, воқеликни тўғри илмий талқин этиш интенсивлиги ва қобилияти охир натижада тафаккур, дунёқараш, онгни ижтимоий борлиқ талабларига монанд ўзгартирмай қолмайди. Демак, ҳозирнинг ўзидаёқ шу нарса маълумки, инсониятнинг келажаги, ижтимоий тараққиётнинг тақдири содир бўлаётган ўзгаришларни, воқеликни кишиларнинг ақл, идрок ва билим нуқтаи назаридан тўғри талқин қилиш кўникмаларига бевосита боғлиқ бўлади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси, мустақил давлат ва халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида, илм-фани, маданияти, техникаси ва ижтимоий тараққиёти юксак бўлган давлатлар билан алоқалар ўрнатиб, улар қаторидан жой олишга интилоқда. Бу эзгу ният ва саъй-ҳаракатлар тақлидчилик ёки тайёр андозаларни тўғридан-тўғри кўчиришни эмас, балки мавжуд ютуқларни миллий манфаатлар ва ўзбек этномаданияти нуқтаи назаридан таҳлил ва талқин қилиб ўзлаштиришни талаб этади. Акс ҳолда ўзбек халқи ва ёш ўзбек давлати ривожланган айрим давлатлар ёки уларнинг иттифоқи тазйиқи остига тушиб

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: 1997, Б. 150

қолиши эҳтимолдан холи эмас. Мустақил фикрлашга, ҳар бир ижтимоий жараёнларни эркин таҳлил ва талқин қилишга ўрганиш шахснинг ҳам, бутун миллатнинг ҳам ўзлигини англаш, ўз маънавий кучига ишониш омилдир.

Тўртинчидан, бир ижтимоий-маданий кадриятлардан иккинчи ижтимоий-маданий кадриятларга, бир турмуш тарзидан иккинчи турмуш тарзига ўтаётганда олдинги босқич тамойиллари ва турмуш тарзини ҳаққоний талқин қилиш нафақат илм-фан, билиш, худди шунингдек, ижтимоий тараққиёт, келажак учун ҳам зарур бўлади. Дарвоқе, Ф. Ницше айтганидек, "келажакни яратаётгангина ўтмиш устидан ҳукм чиқаришга ҳақли".¹ Ўзбекистон Республикаси ўз келажagini қурмоқда, бу жараён энг аввало ўтмишни, ўтган босқичларни объектив баҳолашдан бошланиши табиий. Худди шунинг учун юқоридаги ижтимоий зарурият ва эҳтиёжлар талқин мавзусини долзарб муаммолардан бирига айлантиради.

Талқин муаммосининг долзарблиги илм-фан соҳасида рўй бераётган қуйидаги ўзгаришлар билан ҳам изоҳланади:

- илмий тадқиқотларда юзага келаятган ранг-баранг назарий концепциялар, ёндашувлар, тавсиялар ва андозалар ижтимоий борлиқнинг онга, онгнинг эса ижтимоий борлиққа муносабати масалаларини ана шу ўзгаришлар нуқтаи назаридан қараб чиқишни тақозо этмоқда. Бу эса энг аввало илмий талқин муаммосини ўрганишга ундайди;

- фалсафанинг, фанлар методологияси ва билиш назариясининг асосий усулларида бири илмий талқин ҳисобланади. Инсоннинг оламга, жамиятга ва ён-атрофга муносабати унинг борлиқни талқин қилишида намоён бўлса-да, илмий талқин муаммосини махсус ўрганиш, афсуски, тадқиқотчилар диққатидан четда қолиб келди;

- ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда қарор топаётган ранг-баранглик, демократик тамойиллар, илмий билиш ва изланишларда ҳам уларга монанд ранг-баранг талқинларни юзага келтиради. Ушбу ранг-баранг талқинлар орқалигина биз жамиятда, шу жумладан илм-фанда ҳам, демократик тамойилларни, ҳурфикрликни қай даражада қарор топаётганини англаймиз;

- илм-фанда илгариги тор синфий талқин ўрнига эркин ранг-баранг талқин шаклланоқда. Бу жараённи тўғри англаш, эркин ранг-баранг талқиннинг ички тузилишини, намоён бўлиш хусусиятларини, илмий билишнинг бошқа

¹ Ницше Ф. Сочинения в двух томах. Т. I. — М.: Мысль, 1990. — Б. 198—199

йўналишлари билан алоқаларини ва, охир нагижада, фалсафий билишдаги ўрнини очиб бериш лозим.

Буларнинг барчаси танланган мавзунинг ҳам амалий-ижтимоий, ҳам илмий-назарий долзарблигини асослайди.

Муаммонинг ишланганлик даражаси. Илмий талқин (интерпретация) - инсоннинг оламни билишга, идрок этишга йўналтирилган ақлий фаолиятининг бир йўналиши, усули сифатида қадимдан бери мутафаккирлар ва фалсафий оқимлар диққатини жалб этиб келади. Қадимги Хитой, Ҳиндистон ва Грецияда, бир-бирига боғлиқ бўлмаган тарзда, инсоннинг оламни билиш қувватлари ва билимини талқин этиш, таъбирлаш, шарҳлаш усуллари ҳақида дастлабки қарашлар ва асарлар юзага келади.¹ Агар Сукрот ўз мувоқабалари билан фикрлаш ва талқин қилишнинг кенг имкониятларини намойиш қилган бўлса, Платон асарларида уларга илмий ёндашиш негизларини кўрамыз. Аристотель эса фикрлаш, талқин қилиш, таъбирлаш ва шарҳлашни мантиқ фани даражасига кўтаради.²

Ўрта Осиёлик мутафаккирлар — Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Тафтазоний, Журжоний асарларида билишнинг ақл, идрок, фикрлаш ва талқин қилиш билан боғлиқ кўп қирралари очиб берилади. Масалан, Форобий илмий иборалар ҳис-ҳаяжондан узоқ бўлиши ва объектив талқинга таяниши лозимлигини таъкидлайди.³ Ҳақиқий талқинга асосланган илмий иборалар туфайли, деб ёзади Форобий, мантиқ "ақлни тўғри йўлга бошлайди ва ... хатолардан сақлайди".⁴

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва Маҳмуд Замахшарий асарларида сўзлар, атамалар ва тушунчалар орқали билиш жараёнларининг хусусиятлари, ҳодисаларнинг маъноси қай даражада онгда инъикос топиши муаммолари таҳлил этилади.⁵

Абу Али ибн Синонинг "Аш-шифо" асарига кирган китоблардан тўққизтаси мантиқ илмига бағишланган.

¹ Қаранг: Древнекитайская философия. Собр. текстов в двух томах. Т. 2. — М.: Мысль, 1973. — Б. 74-84; Радхакришнан С. Индийская философия. Т. 1, — М.: ИВА, 1956. — Б. 247-260; Хайруллаев М. М., Ҳақбердиев М. Мантиқ, 2 нашри, — Т.: Ўқитувчи, 1993. — Б. 40-46.

² Қаранг: Попов П. С., Стяжкин Н. И. Развитие логических идей от античности до эпохи Возрождения. — М.: МГУ, 1974. — Б. 27-60.

³ Қаранг: Форобий, Абу Наср. Рисолалар. — Т.: Фан, 1975. — Б. 28.

⁴ Ўша асар. — Б. 40.

⁵ Қаранг: Хайруллаев М. М., Бахадиров Р. М. Абу Абдуллах ал-Хоразми. — М.: Наука, 1988; Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. — Т.: 1997.

Улардан бири - "Ал-ибора" талқин, таъбир, шарҳлаш усулларини тадқиқ этади. Ибн Синонинг фикрига кўра, илмий талқин мантикий фикрлаш ва мулоҳазаларнинг бир кўриниши, унда чин ва хато фикрларнинг бўлиши онда объектив борлиқнинг қандай инъикос топишига боғлиқ.¹

XIV аср бошларида яшаган Тафтазонийнинг "Таҳзиб ал-мантиқ ва-л-калом" ("Мантиқ ва каломга сайқал бериш"), "Ал-мутаввал" ("Кенг талқин"), "Ал мақосийа ат толибин" ("Толиби илмларнинг мақсади") асарлари билиш ва талқин, шарҳ қилиш масалаларига, мантикий фикрлаш қонуниятларини ўрганишга қаратилгани билан қимматлидир. Унинг шогирди Журжоний эса ўз замонасининг йирик мантиқшуноси сифатида "Ат-таърифот" ("Таърифлар"), "Усули мантиқийа" ("Мантиқ усули"), "Одоб ул-мунозара", "Авсат дар мантиқ" ("Мантиқда ўрта хулоса") каби асарларида мантикий фикрлаш, мунозара юритиш, билиш, талқин қилиш ва шарҳлаш усулларига оид ўз қарашларини баён қилади.²

IX-XIV асрларда яшаган Ўрта осиелик мутафаккирларнинг илмий талқин муаммосини ўрганиш борасидаги изланишлари асосан мантиқ илми билан боғлиқ эди.

XX асрда ўзбекистонлик тадқиқотчилар мантиқ илмини, инсоннинг олами билиш қонуниятларини, онг, борлиқ ва фаолият ўртасидаги диалектик боғлиқликларни кенг тадқиқ этишга интилдилар. Улар (М. М. Хайруллаев, Э. Ю. Юсупов, О. Ф. Файзуллаев, М. Н. Абдуллаева, Р. Н. Носиров, А. Қ. Қодиров, А. Ҳ. Аликулов, Б. О. Тўраев, М. Ҳакбердиев, К. И. Иванова ва б.) нинг тадқиқотлари туфайли мантиқ илм соҳасига, билиш махсус назарига айланади, инсоннинг олами билиш ва идрок этиш имконияти, илмий-талқиний салоҳияти чексиз эканлиги асосланади.

Илмий талқин, алоҳида тадқиқот объекти бўлмаса-да, у ёки бу фалсафий билиш муаммолари доирасида россиялик тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилади. Г. И. Рузавин, М. В. Попович, М. Э. Омеляновский, В. С. Добрянов, В. Ф. Асмус, О. Н. Кудровский илмий талқинни муҳокама тушунчасига оид алоҳида ҳодиса сифатида қарайдилар. А. Д. Бочвар, С. А. Яновская, Д. П. Горский, П.

¹ Қаранг: Ирисов А. Ҳаким Ибн Сино. - Т.: Ўзбекистон, 1992. - Б. 85.

² Қаранг: Хайруллаев М. М., Ҳакбердиев М. Мантиқ. - Т.: Ўқитувчи, 1993. - Б. 58-59; Маънавият юдузлари: (Марказий Осиелик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). - Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашри, 1999. - Б. 162 - 169.

В. Копнин, В. И. Сагатовский эса илмий талқинни билишнинг воситаси сифатида таҳлил этадилар. Илмий талқинга илмий билишнинг ўзгартирилган кўриниши деб қараш С. Б. Крымский, А. Б. Баженов, А. Д. Урсул асарларида кўзга ташланади. Мазкур тадқиқотчиларнинг илмий билишга қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда, уларнинг илмий талқинга шунчаки бир билиш усули сифатида ёндашганларини, шу боисдан илмий талқиннинг моҳияти, ички тузилиши, классификацияси ва билишнинг бошқа йўналишлари билан интегратив алоқалари улар диққатидан чеккада қолганини ҳам қайд этишимиз зарур.

Илмий талқиннинг барча тадқиқотларда муқаррарлиги ва шу боисдан унинг кенг қамровлик хусусияти барча фанлардаги талқин усулларига назар ташлашни тақозо этади. Ҳақиқатан ҳам бугун илмий талқин металогика ва математика (А. Черч, Х. Карр, И. С. Клини), замонавий физика (Н. Бор, М. Бунге, В. Гейзенберг, Иордан, Дирак, Л. И. Мендельштам, А. И. Фок), табиатшунослик (А. Эйнштейн, М. Пруст, Ч. Пирс, А. Уайтхед, Т. Кун, Б. Г. Кедров, В. И. Вернадский), герменевтика (Л. Рапке, Ф. Шлеймахер, А. Бекк, Ф. Бласс, И. Г. Дройзен, В. Дильтей, Х.-Г. Гадамер, Т. Е. Васильева) ва ижтимоий фанларда (Ф. Бэкон, Т. Гоббс, Кант, Гегель, А. Бергсон, О. Шпенглер, М. Хайдеггер, Э. Гуссерл, М. И. Каринский, С. Н. Земляная, А. Грюнбаум, В. С. Степин, А. И. Панченко, А. Н. Леонтьев, А. А. Бодалев ва б.) у ёки бу даражада ўрганилган. Шубҳасиз, мазкур тадқиқотчиларнинг муаммони ўрганишдаги хизматлари катта. Бироқ XX аср охирларида илмий ва ижтимоий қарашлар жиддий таъсир қилган шундай тарихий ҳодисалар рўй бердики, улар илмий талқин муаммосига ҳам янгича ёндашишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Илмий талқиннинг оламни, ижтимоий борлиқни билишдаги ўрнини, онг — билиш — фаолият тизимидаги интеграцион вазифаларини, миллий тафаккурнинг шаклланишига таъсир доирасини ўрганишдан иборатдир.

Ушбу **мақсадга қуйидаги вазифалар** орқали эришилади:

- талқиннинг илмий билиш усули сифатида фалсафа, мантиқшунослик ва билиш назариясида шаклланиш ҳамда эволюцион ривожланиш босқичларини кузатиш;
- оламни, ижтимоий борлиқни билишда илмий талқиннинг ўрнини аниқлаш;

- илмий талқиннинг онг — билиш — фаолият тизимидаги интеграцион вазифасини очиб бериш;
- турли илмий соҳаларда талқиннинг умумий ва хусусий тарзда намоён бўлишини кузатиш;
- илмий талқин билан билишнинг бошқа усуллари ўртасидаги диалектик боғлиқликни, алоқадорликни аниқлаш;
- илмий талқиннинг илм тили, роботехника тизими ва Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш жараёни билан боғлиқ муаммоларини таҳлил этиш;
- миллий онг ва тафаккурнинг шаклланишига илмий талқиннинг таъсир этиш имкониятларини, йўллارини ўрганиш.

Тадқиқотдаги илмий янгилıklar:

1. Талқиннинг онг, тафаккурнинг илк шаклланиш босқичларида англамаган, ҳиссий, ғайриилмий кўринишда тарқалгани, илм-фаннинг ривожланиши билан эса (XVII асрдан бошлаб) тажрибага, аниқ, мантиққа асосланган илмий-рационал билиш усули сифатида шакллангани очиб берилади.

2. Талқин, таъбир, шарҳни мантиқ илмининг, ақлий билишнинг усули сифатида қараш Ўрта Осиё мутафаккирларинг илмий изланишларида муҳим ўрин тутгани, бу илмий меросни эгаллаш эса илмий талқиннинг миллий онг ва тафаккурни шакллантиришдаги аҳамиятини тўғри англашга ёрдам бериши кўрсатилади.

3. Илмий талқиннинг онг — билиш — фаолият тизимидаги интеграцион вазифалари очиб берилади ва ана шу "учлик"нинг узлуксиз алоқасигина, билишнинг бурамасимон ривожланиш қонунига мувофиқ талқин, таъбир, шарҳда объектив борлиққа монанд белги, андоза, тасвирлар яратиши илгари сурилади.

4. Илмий талқин — кенг қамровлик хусусиятига эга, унинг ҳар бир илм соҳасида умумий ва хусусий белгиларни намоён этиши, билишнинг бошқа усуллари билан доимо алоқада бўлиши объектив билишнинг зарур шартли эканлиги исботланади.

5. Ўзбекистондаги ижтимоий ислохотлар эски тор синфий талқин ўрнига эркин ранг-баранг талқинларни шакллантираётгани, миллий онг ва тафаккурнинг ана шу эркин талқинлар майдонида миллатга хос ўрин эгаллаши

учун зарур бўлган иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий омиллардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилади.

Тадқиқотнинг илмий-методологик ва назарий асослари. Тадқиқотнинг **илмий-методологик асосларини** фалсафа, мантиқ фанлари ва билиш назариясининг талқин - илмий билиш усули, инсон билиш имкониятларининг чексизлиги ҳамда оламни, ижтимоий борлиқни ўрганиш, ўзгартириш ижтимоий онг, тафаккур ва билимга боғлиқлиги ҳақидаги қонунлари ташкил этади.

Худди шунингдек, тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўрта осиелик мутафаккирлар қолдирган илмий, маданий, фалсафий меросни ўрганиш, мустақил давлатни мустаҳкамловчи ва билимли, онгли, ижтимоий фаол ёшларни тарбиялашга қаратилган таълим-тарбия, ижодий салоҳиятдан унумли фойдаланиш ҳақидаги кўрсатмалари, фикрлари ҳам илмий-методологик асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда чиқарилган хулосалар "Фалсафа", "Мантиқ" фанлари ва билиш назариясини бойитади. Ўрта Осие мутафаккирларининг талқин, таъбир, шарҳ ҳақидаги қарашлари ўқув юртлири учун махсус курслар тайёрлашга ёрдам беради. Эркин ранг-баранг талқинни эса жамиятда, илм-фанда ҳурфикрлик, миллий онг ва тафаккурни ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий аҳамиятга эга йўриқ, андоза сифатида қараш мумкин.

Мавзунинг жорийлашуви. Диссертациянинг асосий мазмуни "Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанининг долзарб муаммолари" (Тошкент — 1995), "Бозор иқтисодиётига ўтишнинг амалий ва назарий асослари" (Тошкент — 1995), "Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланиши шароитида маънавият ва тарбия муаммолари" (Тошкент — 1997) мавзуларидаги илмий-амалий анжуманларида баён этилган.

Диссертация Тошкент Давлат юридик институти Фалсафий фанлар кафедрасининг мажлисида (1998 йил 30 сентябр), И. М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти "Фалсафа ва фанлар методологияси" бўлимининг мажлисида (1999 йил 18 июн), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Фалсафа кафедрасининг илмий-назарий семинарида (1999 йил 23 сентябр, 2-баённома), И. М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг 09.00.01 — "Диалектика ва билиш назарияси" ихтисослиги

М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг 09.00.01 – “Диалектика ва билиш назарияси” ихтисослиги бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини муҳокама этиш ва ҳимояга тавсия этиш бўйича Муаммовий Кенгаш мажлисида (1999 йил 29 октябр) муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқотнинг асосий хулосалари ва қоидалари республика матбуотида эълон қилинган иккита мақолада, илмий-амалий анжуман тўпламларида, илмий-услубий кўлланмада ўз аксини топган.

Диссертациянинг таркиби. Диссертация кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг асосий мазмуни

Диссертациянинг кириш қисмида маззунинг долзарблиги асосланади, муаммонинг ишланганлик даражаси аниқланади, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланади, илмий янгилиги, амалий аҳамияти ҳамда назарий-методологик асослари очиб берилади.

Биринчи боб – **“Илмий талқин тушунчаси ва унинг турлари”** деб аталади. Унда илмий талқиннинг мазмуни, илм-фанга кириб келиши, тафаккур тараққиёти таъсирида эволюцион ўзгариш йўллари, илмий билишнинг бошқа усуллари, айниқса герменевтика билан диалектик боғлиқлиги, ички тузилиши ҳамда ҳозирги пайтда фалсафа, мантиқ, билиш назариясида тутган ўрни масалалари назарий тадқиқ этилади.

Тафаккур тарихи кўрсатадики, инсоннинг олами, ён-атрофни билишга бўлган қизиқиши унинг табиий-азалий фазилатларидан биридир. Тавротда зикр этилишича, Худованди Карим одамни ўзи каби абадий қилиб яратган. Аммо, одам “яхши ва ёмонни билиш дарахти”дан тотиб кўришни абадий яшашдан афзал кўрган.¹ Ибтидоий тафаккурни ўрганган Клод Леви-Строснинг таъкидашича, “содда, архаик халқлар бутунлай йўқ бўлиб кетмаган. Аксинча, улар ён-атрофдаги цивилизацияга тез мослашиб кетган, шу боисдан цивилизация универсал характерга эга”.² Худди шунинг учун ҳам ибтидоий тафаккур изларини, худди шунингдек, ибтидоий содда талқин,

¹ Қаранг: Инжил. Ибтидо. – Стокгольм, 1992 – Б. 4.

² Леви-Строс К. Первобытное мышление. – М.: Республика, 1994 (Мыслители XX века). – Б. 31.

Диссертацияда талқиннинг бир-бирини тўлдириб келган икки – ибтидоий содда, мифологик, диний-мистик, догматик ва ҳаётий тажрибага, кузатиш, синаш, умумийлаштиришга асосланган илмий йўналишда ривожланиб, тафаккур тараққиёти билан эволюцион ўзгариб келгани очиб берилади. Шу тариқа илм-фаңда материализм ва идеализм, догматизм ва релятивизм, изоморфизм ва гомоморфизм каби билишнинг, ранг-баранг оқим ва кўринишлари юзага келади.

Талқин, шарҳлаш Платон ва Аристотель асарларида мулоҳазаларнинг чин ёки хато эканлигини аниқлашга ёрдам берадиган усуллар сифатида қаралади. Улар диалог, баҳс, мунозара пайтида намоён бўлади.¹

Ўрта асарларда Фарбада талқин этиш асосан диний манбаларни, айниқса, Инжилни шарҳлаш, изоҳлаш тарзида давом этди. Черков ва унинг руҳонийларигина диний манбаларни талқин қилиши, шарҳлаши мумкин эди, холос.

Ёзувнинг оммавийлашуви, китоб нашр этишнинг вужудга келиши, илм-фаннинг ривожланиши талқин усуллари янги босқичга кўтарди. Муқаддас ёзувлар ҳақида турли баҳс - мунозарали фикрлар, ҳатто кескин атеистик талқинлар пайдо бўлди. Натижада протестантизм билан ёнма-ён талқинни махсус илмий билиш усули даражасига кўтарган давр бошланди. Католик черковининг Инжилни талқин этишдаги яқка ҳукмронлиги барҳам топди. XV асрда яшаган илоҳиётшунос Матюс Илрийский тушунишни мақсад ва восита сифатида фарқлаш зарурлигини илгари суради.² Натижада шу даврдан бошлаб тушуниш мақсад сифатида тушуниш деб, восита сифатида эса интерпретация – илмий талқин деб аталадиган бўлади.

Уйғониш даврининг мутафаккирлари Эразм Роттердамский, Джонаццо Манетти ва бошқалар эса эътиқоднинг ўзини таҳлил этиш, муқаддас ёзувларни қайта ўқиб чиқиш ва уларни "тарихий танқид" қилиш, агар лозим бўлса матндан четга чиқиб қўшимчалардан тозалаш зарур деган фикрлар билан чиқадилар.³

Диссертацияда Р. Декарт, Ф. Бэкон, Т. Гоббс, И. Кант, Гегель, К. Маркс ва Ф. Энгельсларнинг талқиннинг дунёни билишдаги ўрни, унинг фаолият билан боғлиқлиги,

¹ Қаранг: Хайруллаев М. М., Ҳақберидиев М. Мантик. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б. 42-44.

² Қаранг: Чуешов В. И. Введение в современную философию. – Минск, 1997 – Б. 83.

³ Қаранг: Эразм Роттердамский. Философские произведения. – М.: Наука, 1986. – Б. 37-39.

мулоҳаза, баҳс ва асослашда фойдаланиш усуллари ҳақидаги қарашлари очиб берилади.

XIX асрда яшаган фалсафий герменевтиканинг асосчиларидан бўлган Ф. Шлейермахер талқин этишнинг туб муаммоси "тушунтиришга бўлган ҳоҳиш ва истак" билан боғлиқ деган фикрни асослади.¹ У "тушунтириш", "талқин" ва "тушунтириш"ларга ўхшаш ҳодисалар сифатида қаради. Илмий талқинни грамматик ва психологик ёндашишлар нуқтаи назаридан тадқиқ қилади.

Шлейермахернинг ушбу умумий герменевтикаси унинг тарафдорлари ва издошлари Дильтей, Бультман, Хайдеггер, Э. Бетти, Гадамер томонидан ривожлантирилди. Ч. Пирснинг семиотик ёндашуви эса илмий талқинни билиш усули сифатида қарашларни янада бойитди. Диссертацияда ушбу назарий қарашлардаги баҳсли, баъзан эса бир томонлама ёндашишлар ҳам мавжудлиги кўрсатилади.

"Илмий талқин", тушунчаси "интерпретация", "тушунтириш", "тушунтириш", "маъно" тушунчалари билан боғлиқдир. Бироқ бу тушунчалар ўртасида, бизнинг фикримизча, маълум бир маъновий фарқлар мавжуд. "Тушунтириш" услуб сифатида талқин жараёнида намоён бўлади. Бу ўринда талқин ҳиссий (эмоционал) ва ақлий (рационал) билишлар ифодасидир. Демак, "тушунтириш" — онгнинг борлиққа муносабати, уни идрок этиш жараёни, "илмий талқин" эса бу муносабат ва идрокнинг фикр, сўз, белги, андоза тарзидаги инъикоси ҳисобланади. "Тушунтириш" ва "тушунтириш" уйғунлашиб илмий талқин усулини юзага келтиради.

"Маъно" — талқиннинг юраги. Биз "маъно"га қараб ҳис ва ақлнинг борлиқни қандай ўзлаштирганини, билганини аниқлаймиз. Шунинг учун илмий талқин доимо маъновий тасвирлар (сўз, фикр, белги, андоза) дан иборат.

Диссертацияда илмий талқиннинг: а) оғзаки нутқ; б) ёзма нутқ; в) мантқиқий-семантик ёндашув; г) танқидий ёндашув; д) филологик ёндашув; е) фалсафий-герменевтик ва семиотик ёндашув босқичларини босиб ўтгани, ҳар бир босқичда унинг тадқиқот соҳалари, билишнинг бошқа усуллари билан алоқалари кенгайтиб боргани очиб берилади.

Иккинчи боб "Миллий онгнинг юксалиши ва илмий талқин муаммоси" деб номланади.

¹ Қаранг: Габитова Р. М. "Универсальная герменевтика" Фридриха Шлейермахера // Герменевтика: история и современность. — М.: Мысль, 1985. — Б. 62.

Мазкур бобда ўзаро диалектик боғлиқ умумийлик, хусусийлик ва ягоналикнинг илмий талқинда акс этиши, миллий онгнинг ўзгариши ва юксалишида илмий талқиннинг ўрни масалалари тадқиқ этилади.

Илмий талқинда икки – табиий ва ижтимоий жараёнларни, қонунларни ўрганишга қаратилган йўналишлар мавжуд. Диссертацияда бир томондан, физика, биология, химия каби табиатшуносликка, иккинчи томондан, онг, маданият ва жамиятга оид ижтимоий фанларда билиш назариясининг умумийлик, хусусийлик ва ягоналик қонуни илмий-назарий талқинларда қандай акс этгани таҳлил қилинади.

Интерпретациянинг ички тузилишида икки йўналишни – ижтимоий маъно ва шахсий маънони ажратиб кўрсатиш мумкин.

Маъно, баъзи адабиётларда ва тадқиқотларда назарда тутилганидек, талқиннинг айнан ўзи эмас. Маъно-талқиннинг моҳияти. Ушбу моҳиятга қараб биз билиш усули ижобий ёки салбий аҳамият касб этганини англаймиз. Маънога эга бўлмаган талқин, тасвир, шарҳ илм учун қимматли эмас. "Гап билишнинг кўплигида эмас, балки маънонинг кўплигидадир" (Демокрит).¹

Гносеологик нуқтаи назардан ҳам, аксеологик нуқтаи назардан ҳам ижтимоий ва шахсий маъно бир-бирига диалектик боғлиқ. Шу билан бирга улар ўзининг ички хусусиятларига ҳам эга.

Ижтимоий маъно-жамият, илм аҳлининг умумий мулки. У шахсий маънода намоён бўлса-да, ўзининг ички хусусиятини батамом йўқотмайди. Ижтимоий маънонинг шахс изланишлари ва фаолиятига кириши эса бу изланиш ва фаолиятнинг ижтимоийлашув жараёнини акс эттиради.

Диссертацияда илмий талқиннинг инсонлараро ва маданиятлараро интегратив вазифалари кенг тадқиқ қилинади. Бу вазифалар илмий талқиннинг тил (мулоқот) ва матн (белги) билан боғлиқ томонларини ўрганишни тақозо этади. Ушбу ёндашувдан келиб чиқиб илмий талқин ва тил: - биринчидан, инсоннинг борлиқни, ён-атрофни, ижтимоий ҳаётни билиш тажрибасини ифода этувчи ва мана шу изланишлар жараёнида шаклланиб, бойиб, бир-бирини тўлдириб келадиган;

¹ Қаранг: Афоризмы. – Минск. Современ. литератор. 1999. – Б. 172 (Классическая философская мысль).

- иккинчидан, билиш жараёнининг бепоён, чексиз ва кўпжihatлилик хусусияти туфайли тадрижий ривожланадиган;

- учинчидан, инсонлараро ва маданиятлараро интеграцияни, мулоқотни шакллантирадиган, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон цивилизацияси ютуқларидан кенгрок баҳраманд бўлишига ҳамда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига ёрдам берадиган восита эканлиги асосланади.

Илмий талқинда тил билан бир қаторда белгилар, матн ҳам муҳим ўрин тутлади.

Матн оммабоп ва тор илмий кўринишда бўлиши мумкин. Оммабоп матн ўз хусусиятига кўра кўпчиликка, барчага тушунарли талқинни, тор илмий матн эса айрим мутахассисларгагина аён белги, ифода, тасвирни талаб этади.

Матнни тушунишдаги ҳар хиллик илмий талқин жараёнининг гносеологик хусусиятлари билан боғлиқ. Борлиқ, ҳодисаларнинг чексизлиги, серқирралиги билан инсон қувватларининг макон ва замонда шекланганлиги ўртасидаги номувофиқлик ҳам тушунишда, ҳам талқинда ҳар хилликни келтириб чиқаради. Диссертацияда илмий талқиннинг тушуниш, тушунтириш, мулоқот, нутқ, фикрлаш билан алоқалари таҳлил қилинади.

Илмий талқиннинг ҳозирги ижтимоий воқеликни, ҳаётда, кишилар тафакурри ва маънавиятида рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятини, миллий онгнинг шаклланишидаги ўрнини ўрганиш ҳам илмий-назарий, ҳам ижтимоий-амалий аҳамиятга эга. Маълумки, миллий онг тил, маданият, дин, ижтимоий-маданий тизим, моддий эҳтиёжларнинг кондирилиши, руҳият ва маънавият таъсирида шаклланади. Миллий онгнинг ушбу кўпқирралик хусусияти илмий талқиннинг ҳам ана шу қирраларга боғлиқ томонларини очиб беришга ундайди.

Илмий талқин ижтимоий воқеликни, борлиқни шунчаки қайд этиш усули эмас. Унга танқидий ёндашиш ҳам хос. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий онгнинг шаклланишида ранг-баранг фикрлар, ёндашувлар, таҳлиллар тўқнашуви бўлиши табиий. Илмий талқиннинг ўрни эса ана шу ранг-баранг ёндашувларни нафақат фан, техника шу билан бирга, миллий тараққиёт ва миллий онгни шакллантириш мақсадидан келиб чиқишга йўналтиришдан иборатдир.

Ўтказилган тадқиқот қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Илмий талқин инсоннинг оламни, ён-атрофни, ижтимоий воқеликни билишга қаратилган ақлий-тафаккурий изланишларининг усули сифатида ибтидоий онгнинг илк кўринишларидаёқ кўзга ташланади. Бироқ бу кўринишлар ҳали ҳаётий тажрибаларни умумлаштириш ва илмий таҳлил этишдан кўра ғайриҳаётий ҳиссиётлар маҳсули эди.
2. Фалсафа ва мантиқ фанларининг шаклланиши талқин, таъбир, шарҳлашнинг ҳам илмий билиш усули сифатида шаклланишидир. Тўғри, то XVII асргача тафаккурий изланишларда экзегетлар (муқаддас китобларни шарҳловчилар) таъсири етакчилик қилади, аммо илмий талқинга интилиш ҳам бир он тўхтамади. XVII асрдан бошлаб эса тафаккурий изланишларда ҳиссий ёндашувлар ўрнини илм, фан, амалий эҳтиёжлар эгаллади. Бу эса талқин, таъбир, шарҳни борлиқнинг объектив қонунларини билишга қаратилган инсон ақлий-тафаккурий изланишларининг усулларига айлантирди.
3. Илмий талқиннинг ички тузилиши (оғзаки, ёзма, танқидий ва б.), вазифалари (амалий, қадрий, интегратив, мулоқот ва б.) ва билишнинг бошқа қисмлари (тушуниш, тушунтириш, фикрлаш ва б.) билан алоқалари кўп асрлик илмий-тафаккурий изланишлар жараёнида шаклланган. Талқиннинг бу кўпқирралиги тадқиқот йўналишларининг ранг-баранглиги ва билишнинг чексизлиги билан изоҳланади. Шу боис у нафақат илмда, шу билан бирга ижтимоий ҳаётда, инсонлараро ва маданиятлараро муносабатларда демократик тамойилларнинг қарор топишига ёрдам беради.
4. Миллий онг ранг-баранг этник ва ижодий-амалий ёндашувлар, талқинлар ҳамда ғояларнинг умуминсоний қадриятлар негизида шаклланган мажмуидир. Илмий талқин эса ижтимоий ўзгаришларни таҳлил қилар экан, бозор иқтисодиётига мос янги ижтимоий-маданий тамойилларнинг шаклланишига, илм-фанда, жамиятда ҳурфикрлик ва демократиянинг қарор топишига ёрдам беради. Бу эса миллий онгнинг ҳам тараққиёт шартидир.

Диссертациянинг асосий мазмуни қуйидаги чоп этилган мақолаларда ўз аксини топган:

1. Философские аспекты правосознания. //Ўзбекистоннинг мустақил ҳуқуқий йўли: тажриба ва муаммолар. Илмий-назарий анжуман. - Т.: 1994. - Б. 129-131 / ҳаммуаллиф/.
2. Талқин қилиш фалсафий муаммо сифатида. //Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанининг долзарб муаммолари. II Республика илмий-назарий конференцияси. - Т.: 1995. - Б. 31-32/.
3. Талқин қилиш (интерпретация) илмий билиш усули сифатида. // Бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий ва амалий асослари. Илмий конференция. - Т.: 1995. - Б. 39-40.
4. Талқин қилиш илмий билиш усули сифатида. //Мустақиллик, дунёқараш, ижтимоий фанлар. Илмий-назарий ва амалий конференция. - Т.: 1995. - Б. 25-26.
5. Улуғ мақсадлар йўлида. // Иқтисодиёт ва ҳисобот. - 1996 - № 8. - Б. 2-5. /ҳаммуаллиф/.
6. Интерпретация в развитии научных знаний. //Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланиши шароитида маънавий ва тарбия муаммолари. - Т.: 1997. - Б. 111-113.
7. Интерпретация - талқин этиш. // Фан ва турмуш. 1999. № 2, - Б. 12-13.

Резюме
кандидатской диссертации
Алимаевой Наргис Абдухалиловны на тему
«Интерпретация как метод научного познания»

Данная диссертация посвящается изучению места и роли интерпретации как метода в научном познании.

Структура диссертации включает в себя введение, две главы, заключение и список использованной литературы.

Во введении обосновывается актуальность темы исследования, раскрывается степень ее разработанности, цель и задачи, теоретическая и практическая значимость работы, научная новизна, теоретическая и методологическая основы.

Первая глава – **«Понятие интерпретации и ее виды»**. В ней освещается историческая эволюция понятия интерпретации, место интерпретации как метода в научном познании и ее взаимосвязь с другими герменевтическими операциями, такими, как понимание, объяснение, виды интерпретации и основания деления интерпретации на виды.

Содержание понятия интерпретации в процессе эволюции изменялось от простого к сложному. В диссертации изучаются различные подходы к изучению проблемы интерпретации, существовавшие в истории философии, такие, как логический, семиотический, герменевтический. Обосновывается вклад в изучение проблемы интерпретации мыслителей Средней Азии IX–XII веков.

Дается определение интерпретации. Определяются тождество и различие интерпретации с пониманием, объяснением, определением. Основаниями деления интерпретации на виды могут быть способы реализации интерпретации и вид смысла, определяемого в процессе интерпретации.

Вторая глава – **«Прогресс национального сознания и проблемы интерпретации»**. В ней изучаются особенности проявления в интерпретации диалектики общего, особенного и единичного, логические и практические проблемы интерпретации, значение интерпретации в развитии национального сознания.

Являясь достоянием общества, социальной общности социальные знания реализуются в индивидуальном сознании, отражая степень овладения обобщенным социальным опытом. Поэтому следует различать в смысловой структуре интерпретации социальное значение и его значение для индивида — личностный смысл.

В диссертации рассматриваются проблемы интерпретации, связанные с языком науки, роботехникой и перехода Узбекистана к рыночным отношениям. Делается вывод, что разрешение проблемы интерпретации в науке и производстве способствуют повышению производительности труда человека, развитию философского мировоззрения. Из истории известно, что развитие мировоззрения мыслителей тесно связано с прогрессом национального сознания. Интерпретация этого развития включает в себя несколько периодов. В переходный период для формирования нового гражданского сознания требуется разработать критерии и правила интерпретации духовного наследия.

В заключение диссертации приводятся краткие выводы, делаются соответствующие теоретические обобщения.

**Summary of candidate dissertation
by Nargis Alimatova on the subject
"Interpretation as a method of scientific perception"**

The given dissertation is devoted to study of a place and role of interpretation as method in scientific perception.

The structure of the dissertation includes introduction, two chapters, six paragraphs, conclusion and index of used literature.

Introduction describes an urgency of the topic of research, to what extent it was developed in the past, its purposes and goals, theoretical and practical importance of work, scientific novelty, and theoretical and methodological basis.

First chapter was named "Concept of interpretation and its kinds". This chapter covers the historical evolution of concept of interpretation, importance of interpretation as a method in scientific perception and its interrelation with other hermeneutic operations, such as understanding, argument, kinds of interpretation and basis for division of interpretation into various kinds.

The contents of concept of interpretation in process of evolution was changed from simple to complex. Dissertation studies a problem of interpretations existing in a history of philosophy, such as logic, semiotic and hermeneutic. Contribution of Central Asian of IX – XII centuries to studying the topic of interpretation is also given in the work.

The definition of interpretation is given in the research. Author defined the identity and discrepancy of interpretation with such notions as understanding, argument and definition. The basis for division of interpretation into kinds could be methods of realization of interpretation and kind of sense defined during interpretation.

Second chapter – "Progress of national consciousness and problems of interpretation". In it author studies features of display in interpretation of dialectics of common, especial and individual, logic and practical problems of interpretation and significance of interpretation in development of national consciousness.

Being the common property of society and social generality, the social knowledge are being realized in individual consciousness, thus reflecting a degree of mastering by generalized social experience. Therefore it is necessary to distinguish in semantic structure of interpretation social

significance and its significance for the individual – personality sense.

The dissertation considers problems of interpretation, related to language of science, robotechnics and transition of Uzbekistan to the market economy. Research makes conclusion that the resolution of a problem of interpretation in a science and production promotes raising of productivity of work of the person, development of philosophical world outlook. From a history it is known, that the development of world outlook of thinkers is closely connected to progress of national consciousness. The interpretation of this development includes some periods. In a transition period it is required to develop criteria and rules of interpretation of a spiritual heritage for forming a new civil consciousness.

In summary of dissertation there are brief conclusions and appropriate theoretical summarizing.

A handwritten signature in cursive script, appearing to read 'Glas'.

**Босишга рухсат этилди 7.02.2000 й.
Босма табағи 1,25. Адади 100.
Буюртма № 31**

**ФТДК ДИТАФ босмахонасида босилди.
Олмазор кўчаси, 171-уй**